

## ЭКОҲАРАКАТ — СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТ ФИДОЙИСИ

Бундан бир йиллолдин мамлакатимизда яна бир хайрли ва эзгу ниятли жамоатчилик уюшмаси — Ўзбекистон Экологик ҳаракати иш бошлади. Биз Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи раҳбари Борий Алихонов билан учрашиб, ушбу ҳаракат тўғрисида суҳбат қилдик.

— Борий Ботирович! Газетхонларимизга, аввало, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг мақсад вазифалари ҳамда Экоҳаракатнинг бошқа жамоат бирлашмалари, шу жумладан, сиёсий партиялардан фарқи нимада эканлиги ҳақида маълумот берсангиз.

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидай, юртимизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини асраб-авайлаш, инсон саломатлигини таъминлаш соҳаларида тизимли ва кенг кўламли ишлар амалга оширила бошланди. Бу тадбирларда кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этмоқдалар.

2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, соҳада иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг тузилганлиги ҳам халқимизнинг ҳаётида ана шу муҳим масалаларга бўлган юксак эътиборини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати — сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнига экологик ёндашувни муҳим мезон, деб билади. Экоҳаракатнинг бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқи — олдига қўйган ўзига хос экологик экологик вазифаларида. Энди уни сиёсий партиялардан фарқлантириб турадиган энг муҳим жиҳати шуки, Экоҳаракат ҳокимият учун курашмайди. Ушбу ҳаракат, сиёсий маслаҳидан қатъи назар, ҳозирги ва келгуси авлод қулай атроф-муҳит шароитида яшашини, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга жамоатчилик диққат-эътиборини қаратади ва уни ана шунга сафарбар қилади.

— Экоҳаракатнинг ташкил топганидан кейинги қисқа давр ичида олиб борган фаолиятига ҳам бир назар ташласак...

— Биргина 2009 йилда Экоҳаракат давлат ҳокимияти органлари, меҳнат жамоалари, саноат тармоқлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари, кенг жамоатчилик, яъни бевосита фуқароларнинг ўз иштирокларида экологияни соғломлаштириш мақсадларига қаратилган 550 дан кўпроқ тадбирни амалга оширди. Бу тадбирлар хилма-хил йўналишда. Масалан,

тадбирларимизнинг муҳим бир гуруҳи аҳолининг экологик маданиятини ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий мазмун-моҳиятлидир. Улардан айримларини эслайлик: масалан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Андижон, Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг қатор туманларида «Экология ва саломатлик» мавзуида кўпгина давра суҳбатлари ўтказилди. Бухорода эса «Бухоро вилоятининг долзарб экологик муаммолари», Қорақалпоғистон Республикасида Нукус давлат педагогика институти, мактаб ўқувчилари ҳамда Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган халқаро лойиҳаларнинг вакиллари иштирокида Амударё ҳавзасидаги табиий муҳитни яхшилашга бағишлаб семинарлар уюштирилди. «»

Экоҳаракат ва унинг минтақалардаги бўлинмалари, шунингдек, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ва инсон саломатлигини яхшилашга қаратилган кўпгина амалий экологик тадбирларни ҳам мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Масалан, 2009 йилнинг 5 июнь — халқаро атроф-муҳитни муҳофазалаш кунида 1000 дан ортиқ фуқаро иштирокида пойтахтимизнинг Ғафур Гулом номидаги боғида катта тозалаш ҳашари уюштирилди. Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида «Кўчат эк, боғ ўстир!» шиори остида 19 гектарлик майдонда «Экология боғи» барпо этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли туманидаги «Оқсой», «Боғи Эрам» фермер хўжалиқларининг экин майдонларига томчилатиб суғориш тизими жорий қилинди. Шу тумандаги «Кегайли» қишлоқ врачлик пункти замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Йил давомида мана шундай тадбирларни рўёбга чиқариш учун 149 миллион сўмга яқин ҳомийлик маблағлари сарфланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг «Ишонч телефони» (245-96-32) орқали бевосита мулоқат ташкил этилди. Шу жараёнда ташкилотимизга жойлардан 168 та маълумот тушди. Аҳоли маълумотлари асосида 5 та танқидий-тахлилий телекўрсатув уюштирилди. Газеталарда ўнлаб чиқишлар қилинди. Уларнинг жойлардаги экологик масалалар ечимини топишдаги аҳамияти салмоқли бўлди.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турганлигини таъкидладилар. Экоҳаракат депутатлари Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқадиган ўз вазифаларини қандай тасаввур этмоқдалар.

— Президентимиз ўз маърузаларида таркибида 100 дан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилотларини бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракати қатнашчилари ва унинг депутатлари фаолиятида дастуриламал бўладиган ғоятда қимматли йўл-йўриқларни баён этдилар. Жумладан, маърузада шундай ғоялар илгари сурилади: «Барчамиз бир оддий

ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак — бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади».

Мамлакатимиз раҳнамосининг бундай юксак ишончи бизларга куч-ғайрат ва руҳий кўтаринкилик бағишламоқда. Биз, Экоҳаракатчилар, айниқса, унинг депутатлар гуруҳи ўз фаолиятимизда бундай олий эътиборга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиш, соҳага оид амалий ва қонунчилик масалаларини давр талаблари доирасида малакали ҳал этиш, ташаббускор фаолият олиб бориш йўлида сидқидилдан астойдил ҳаракат қиляпмиз.

— Экоҳаракат олдида истиқболда ҳал қилиниши лозим бўлган қандай вазифалар турибди?

— Аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг фаолиятини янада малакали ва самарали ташкил этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Атроф-муҳит тозалигини сақлаш ва аҳоли саломатлигини янада яхшилаш масалаларига қаратилган янги қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда фаоллик кўрсатишимиз керак. Айни пайтда амалдаги худди шундай қонунлар ва меъёрий-ҳужжатларнинг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш ҳам муҳим вазифаларимиздандир.

Шунингдек, атроф табиий муҳит масалаларига бағишлаб халқаро миқёсдаги давра суҳбатлари ва республикамиз миқёсида танловлар ташкил этиш режаларимиз бор.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни фаоллаштириш, ёш экологик етакчиларни тарбиялаш, барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қиладиган экологик таълим бўйича мамлакатимизнинг миллий режасини ишлаб чиқиш, Экоҳаракатнинг худудий бўлинмалари ишининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, экологик фаолиятнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот, суд, прокуратура ва бошқа тизимлар билан ҳамкорлик меҳназимларини такомиллаштириш — булар ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

**Суҳбатни М.Сафаров тайёрлади.**

*«Халқ сўзи» газетаси,  
2010 йил 30 март, 61-сон*